



Сулаймон Конуний (1494 йил 6 ноябр – 1566 йил 5/6 сентябр) – усмонийлар хукмдори (1520-1566). Отаси Салим вафотидан сўнг тахтга чиккан. Сулаймоннинг хотини Роксолана (Анастасия Лисовская) султоннинг бошка хотинидан бўлган ўғилларини йўқотиб ўгли Салимнинг тахтга чиқиши учун кўплаб фитналар уюштирди. Шунингдек султоннинг синглисини эри вазири аъзам Иброхим пошшо Паргалий (1532-1536) унинг фитнаси туфайли бўғиб ўлдирилди. Унинг ўрнига куёви Рустам пошшо (1544-1553, 1555-1561)ни ўрнатди. Рустам 1553 йили Роксанага султоннинг черкес хотини Гулбахордан бўлган суюкли ўгли Мустафони йўқ қилишга ёрдам берди. Мустафо ва унинг ўғиллари султоннинг кўз олдида қатл этилди. Салим тахт вориси бўлиб қолди. Бирок 1558 йили Роксолана вафот этгач, унинг бошка ўгли Боязид 1559 йили исён қўтарди. Унинг исёнчи қўшини султон қўшини томонидан мағлуб этилди, ўзи эса Эронга қочиб ўтди. Шох Тахмосп1 уни 400 000 олтин эвазига султонга тутиб берди. 1461 йили исёнчи Боязид қатл этилди, шунингдек унинг 5 ўғли ҳам (энг кичиги 3 ёш эди) ўлдирилди. Султон Сулаймон 1566 йили вафот этди.

Салим I 43 ёшида навбатдаги юриш пайтида вафот этганди. 1520 йили тахтга унинг ўғли Сулаймон ўтирди. У биринчи ишини XV аср охирларидан бошлаб босқин уюштирилаётган Венгрияга ҳужум қилишдан бошлади. Венгрия устидан галаба туркларга Марказий Европада йўл очиш билан бирга, муҳим савдо магистрали хисобланган Дунай дарёси устидан назорат ўрнатишга хизмат қиларди. 1521 йили турклар ўшанда Венгрия қироллигига қарашли Белградни қамал қилишди. Шаҳар гарнизони туркларнинг 20 га яқин ҳужумини қайтарди. Дунай дарёси соҳилларига мустаҳкам ўрнатилган тўплар шаҳарни тинимсиз ўққа тутди. Шаҳарда бор-йўғи 400 жангчи қолганда улар таслим бўлишди. Асирларнинг қўпчилиги ўлдириб юборилди. Белград олинганидан сўнг, Сулаймон I Венгрияга юриш қилишни бироз кечиктирди. У 10 минг кишини жойлаган 300 та кемада Родос оролига ҳужум қилди. Родос рицарларининг ҳарбий кемалари Истамбулни Арабистон ярим ороли билан боғлайдиган ҳудудларда турк кемаларига ҳужум қилишди. Турклар Родосга 1522 йил июл ойининг охирида тушишди. Родос жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди, турклар қатта талафот кўриша қарамасдан қамални давом эттиришди. Фақатгина Сулаймон I 100 минг кишилик қўшин билан

ёрдамга етиб келганда турклар галабага эришишди. 1522 йилнинг декабрида калъа таслим бўлди, бироқ уруш туркларга кимматга тушди. Турклар 50 минг аскардан айрилди. Яничарлар Родосни ер билан яксон этишди, султон эса Мехмет II нинг биродаркушлик конунига риоя этишга киришди. У шахарда Боязид II нинг жияни (унинг акаси Жомнинг ўгли) яширинганини билиб, уни топиб ёш ўгли билан бирга ўлдириб юборишни буюрди. 1524 йили турк флоти Жиддадан йўлга чиқиб Кизил денгизни португаллардан тозалашди.

1525 йилда Киликия дехконлари галаёни бошланиб, султон кўшинларига зарбалар беришди. Сивасгача бўлган ерларни кўлга киритишса-да, 1526 йили кўзголон бостирилди. Ўша йили Малатья туманидаги кўзголонда 30 мингга яқин киши катнашди. Улар исённи бостириш учун юборилган султон кўшинини тор-мор қилишди. Карамон бейларбейи кўзголон рахбарларига ерларини қайтариб яна бир канча имтиёзлар бергачгина, исён бостирилди. Факат таслим бўлмай кўзголонни давом эттирганларгина кўлга туширилиб қатл этилди.

1526 йили августда кизилбош Сулун ва Бобо Зуннунлар бошлик кишилар исён кўтарди. Исёнчилар Карамон бейи кўшинини тор-мор этишди, Кайсери ва Токат худудини кўлга киритишди. Лекин 1526 йил сентябрда Сивас ноиб уларни мағлуб қилди. Исёнкорлар бошлиги Бобо Зуннун жангда ҳалок бўлди.

Орадан кўп ўтмай Киликияда исён бошланди. Бу ерда Каландар Чалабий бошлик 30 минг киши бош кўтарди. У ўзини Каландаршоҳ деб номлади. 1527 йил ёзда Онадўли бейларбейи кўшини исёнчилар томонидан мутлак мағлуб этилди. Лекин Каландарга кўшилган айрим иктоъдорлар султон кўшинига хизмат қилиб уни тутишга кўмаклашишди. Каландар бўлинмалари ҳал қилувчи жангда тор-мор этилди ва унинг ўзини асирга олиб қатл этишди. Бундан ташқари Адана 5 минг кишилик кўзголон кўтарилди ва тез орада бостирилди.

1526 йилнинг апрелида турк кўшини (100 минг жангчи ва 300 тўп) дехконлар норозилиги ва феодаллар фитнаси камраб олган Венгрияга юриш бошлади. Бир неча юз яничарлар чиккан кемалар Дунай бўйлаб олға интилиб, куруклик кўшинларига йўл очишди. Венгр феодаллари дехконлардан шунчалик каттик кўркишардики, душман билан урушиш учун уларни куруллантиришмади. 1526 йилнинг июлида турклар Петерварадин калъасини камал қилишди. Улар девор тагини кавлаб портлатишга муваффақ бўлишди. Девор қулаган ердан ёриклар очилгач, турклар калъага ҳужум бошлашди. Петерварадин ишғол қилинди. Тирик қолган 500 нафар химоячи қатл этилди. 300 нафар киши қул қилинди. Венгриядаги энг муҳим жанг Дунайнинг ўнг қирғоғидаги текисликда Мохач шахри олдида 1526 йилнинг 29 август куни бўлиб ўтди. Венгр армияси турклардан анча кам эди. Уларда 25 минг жангчи ва 80 та тўп бор эди. Венгрлар Трансильваниядан келаётган венгр магнати Янош Запольяи кўшинини қутиб аскарларини кўпайтиришлари мумкин эди. Бироқ турклар Мохачда кўринишлари билан қирол уларга ҳужум қилишни буюрди. Сулаймон I венгр отликларига туркларнинг биринчи линиясини ёриб ўтишга имкон берди, қиролнинг отликлари яничар бўлинмалари билан тўкнашувга киришганда турк артиллерияси қутилмаганда уларни ўққа тутди. Венгр кўшини бутунлай қириб ташланди. Қирол ҳам ҳалок бўлди. Мохач ўт қўйиб таланди.

Мохачдаги галаба туркларга Венгрия пойтахтига йўл очди. Жангдан кейин икки ҳафта ўтгач, Сулаймон I Буда шахрига қирди, шахар жангсиз таслим бўлди. Ўзини вассал деб тан олган Янош Запольяи қирол бўлди. Кейин турклар ўзлари билан минглаб асирларни олиб ортга қайтишди. Венгрия жуда катта зарар кўрди, 200 мингдан ортиқ одам, яъни

ахолининг 1/10 халок бўлганди. Султон кўшини Венгрияни тарк этиши билан Янош ва австрияпараст венгр феодаллари ўртасида тахт талашиш бошланди. Эрцгерцог Австрийский Будани босиб олди. Запольяи султондан ёрдам сўради. Бу султоннинг Венгрияга янги юриш килишига олиб келди.

1527-1528-йилларда Босния, Герцеговина ва Славонияни турклар эгаллашди. Султон Кичик Осиёдаги галаёнларни бостиргач, Австрияга зарба бериш ва Янош Запольяи ҳукуматини тиклаш учун Венгрия юришига тайёрлана бошлади. 1529 йилнинг сентябрида турклар Запольяи бўлинмалари кўллаши туфайли Будани кўлга киритишди ва султон одамани венгр тахтига ўрнатишди. Кейин султон кўшинлари Венага юришди. Турклар 1529 йил 27 сентябрдан 14 октябргача Венани камал килишди. Калъа деворлари жуда кучли бўлиб, 20 минг химоячи ва 70 тўп бор эди. Сулаймон I 120 минг кишилик кўшин ва 300 тўпга эга эди. Дунайдаги турк флотилиясининг ҳам кўплаб жангчилари бор эди. Турклар калъа деворларини портлатишга ҳаракат килишди. 9 октябр куни деворнинг бир ери портлатилгач ёриклар пайдо бўлди. 3 кун мобайнида турклар мана шу ердан киришга ҳаракат килишди, бироқ олга юришнинг имкони бўлмади. Султон 14 октябр куни хал килувчи хужумга буйруқ берди. Лекин шаҳарни кўлга киритишнинг иложи бўлмади. Бу вақтда туркларда озик-овкат танқислиги сезила бошлади. Курбонлар сони 40 мингга етиб қолди. Султон 16 октябр куни Венадан чекинишга буйруқ берди. Турклар орқага қайтишда ўзлари билан 10 мингга яқин кишини асир қилиб олиб кетишди.

1530 йили Австрия ва Усманийлар давлати ўртасида тинчлик музокаралари олиб борилди, бироқ султон Фердинандни венгр кироли деб тан олмади. 1532-1533-йилларда Сулаймон I тўртинчи марта Венгрияга юриш қилди, лекин юриш испан кироли Карл V ва Мукаддас Рим империяси императори томонидан тўхтатилди. 1533 йилнинг 23 июл куни Истамбулда турк-австрия тинчлик битими имзоланди. Битимга биноан, ҳар йили султонга ўлпон тўлаш ва султон вассали Янош Запольяи бошқараётган Шаркий Венгрияга хужум қилмаслик шарти билан Гарбий ва Шимоли-Гарбий Венгрия Австрияга ўтди. Бу битим амалда Венгриянинг иккига бўлинганини билдирарди.

Сулаймон I даврида турк кўшини бир неча марта Шаркка юриш қилди. 1533-1535 йилларда Сулаймон Эрон билан уруш олиб борди. Турклар Табризни уч марта олишди. Тахмасп I кўшини туркларга жиддий қаршилик кўрсата олмади. 1534 йил декабрда султон кўшинга шахсан ўзи бошчилик қилиб Бағдод ва бутун Ироқни эгаллади. Бағдод аҳолиси Сулаймон I ни ҳурмат билан қутиб олди. Ироқда шиаларга қарши қайфият кучайди.

1529 йилда Марказий Ироқда сафавий ноибига қарши кўзғолон кўтарилганди. Кўзғолончилар Бағдодни олиб, уларнинг раҳбари Зулфикорбек шаҳар қалитларини султонга топширди ва унинг номидан пул зарб қилишни йўлга қўйиб, Ироқни султон химоясига олишни сўраб элчилар жўнатди. Султон Австрия билан урушга банд бўлгани учун ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади ва Тахмасп I кўшини кўзғолончиларни енгган, лекин шиаларга қарши қайфият пасаймаганди.

Султонга Басра, Хузистон, Луристон, Баҳрайн ва Форс кўрфазининг жанубий сохилларидаги майда амирликлар бўйсунди (Басрани турклар 1546 йили эгаллашган). Сулаймон Бағдодда тўрт ой бўлди. У суннийларга ҳукмронлик мавқеларини қайтариб берди. Ироқ ҳудуди Усманийлар давлатида бўлгани каби эёлотлар (вилоятлар)га бўлинди, солиқ солиш ва ердан фойдаланиш усмонийлар тизимида мосланди. Султон 1535 йили Ироқда 32 минг кишилик кўшин қолдириб Бағдодни тарк этди. Бағдодда минг

нафар яничар ҳам колдирилди. Кейин султон Табризга кайтиб, аскарларига пул мукофотлари таркатди.

XVI асрнинг 30-70-йилларида Тунисда Усманийлар хукмронлигини ўрнатишга ҳаракат килинди. 1533 йили Хайриддин Барбаросса усмонийлар флоти кўмондони – капудан пошшо этиб тайинланди. 1534 йилда 80 та кемадан ва 8 минг аскардан иборат Хайриддин Барбаросса бошчилигидаги турк эскадраси Тунис шахрига етиб келди. Киска тўқнашувдан сўнг, Хафсийлар пойтахти кулади. Туниснинг бошқа шаҳарлари туркларга жангсиз топширилди. 1535 йилда султон бир катор шаҳарларда турк гарнизонларини жойлаштирди. Ўша йили туркларга қарши бадавий кабилалар исён кўтаришди, Кайрувон жангида султон артиллерияси уларни саросимага солиб пароканда қилди. Мағлубиятдан сўнг бадавийлар султон ҳукуматини тан олишди. Шу пайтда Тунис ички ишларига Карл V аралаша бошлади. У Тунис соҳилларига 30 минг аскарли 400 кемадан иборат катта флот жўнатди. 1535 йил июлдаги жангда Карл V кўшини Хайриддин Барбаросса бошчилигидаги туркларни енгди. 21 июл куни испанлар Тунис шаҳрини эгаллашди. Улар шаҳарни аёвсиз талашди, масжид, мадраса ва кутубхоналарни вайрон қилишди. Боскинчилар киргин уюштириб, болалар ва аёлларни ҳам аяшмади. Ўша кунларда шаҳарнинг учдан бир аҳолиси ҳалок бўлди. Ўн минглаб кишилар кулликка солиниб хайдаб кетилди. Пойтахтни қўлга киритгандан сўнг испанлар Туниснинг шимоли-шарқини тўла босиб олишди, жумладан Бизерту шаҳрини ҳам. 1535 йилнинг августида Карл V армадаси Тунисни тарк этди, лекин денгиз бўйидаги шаҳарларда испан гарнизонлари қолдирилди.

1536 йили Сулаймон I узок йиллардан бери Италия ҳудудини назорат қилиш учун Карл V билан урушаётган француз кироли Франциск I билан яширин битим тузди. Жазоирлик денгизчилар энди Франциянинг жанубида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1537 йили жазоирийлар Ўрта ер денгизида ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборишди. Хайриддин Корфа оролини талади, Апулия соҳилига ҳужум қилди ва Неаполга таҳдид қилди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида турк кўшини Жануби-Шарқий Европада ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. 1538 йили Молдова яна бир марта таланди. Сулаймон I ҳар йили ўлпон тўлашга рози бўлган маҳаллий боярлардан Молдова ҳукумати бошлигини тайинлади. Шундан сўнг Сулаймон I Прут ва Днестр дарёлари орасидаги бессарабия ерларига ўрнашиб, ўша пайтда Польшага қарашли бўлган Украинага қарши плацдармга айлантирди.

1538 йили Венеция Карл V ва рим папаси билан иттифок тузиб туркларга қарши уруш эълон қилди, жанглар асосан денгизда олиб борилди. Икки йил мобайнида (1537-1539) турк флоти Хайриддин Барбаросса бошчилигида Венецияга қарашли Занте, Эгина, Чериго, Андрос, Парос, Насос каби 20 дан ортиқ оролни эгаллади. Турклар Далмацияда қишлоқ ва шаҳарларни талашди. 1538 йил 28 сентябрда бўлган денгиз жангларининг бирида турклар Андреа Дореа бошлиқ иттифокчи душманларини тор-мор қилишди. Бу уруш (1535-1540) натижасида Усманийлар давлатига Далматиянинг бир қанча шаҳарлари тобеъ бўлди. Венецияликлар эса, султонга катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур бўлишди.

Яманни бўйсундириш Усманийлар давлатига узокка чўзилиб кетди. 1517 йилда Яман Мисрдан қочган Мамлуклар ҳукми остига тушди. Шундан кейин усмоний султонлар Яманга бир неча бор ҳарбий гуруҳлар юборишди. Баъзан мамлуклар ва зайдий шиалари ўртасидаги қурашга аралашиб туришди, баъзан португаллар босқинига қарши қурашда

Хадрамавтдаги Касирийлар салтанатига ёрдам бериб, Ямандаги вокеаларга таъсир ўтказиб туришди. 1538 йили турклар Жанубий Арабистон ва Хиндистонга юриш бошлашди. 13 август куни турк флоти Сувайшдан чикди ва 3 август куни Аданга етиб келишди. Махаллий хукмдор Амир уларни яхши кутиб олди, бироқ мачтада дорга тортилди ва Адан истило килиниб шаҳар таланди. Хиндистонга килинган муваффакиятсиз юришлардан кейин турклар бутун Яманни кўлга киритишди ва у ерда турк бошқарув тизимини жорий килишди. Яман султон давлатига кўшиб олинди, Хадрамавт хукмдори эса Сулаймон I нинг вассали бўлиб қолди. Бироқ Яманнинг тоғли минтакалари аҳолиси турк давлатини кўлламади.

Ямандан сўнг турклар Гужаротга юриш килиб португалларга қарашли Диуни камал килишди. Махаллий мусулмонлар туркларга ёрдам беришди. Қалъа таслим бўлишга яқин қолганди. Бироқ португаллар ёрдамга келаётгани хақида хабар тарқалди.

Гужаротликлар шартномани бузиб туркларни кириб ташлашди. Шундай килиб султоннинг Хинд океанидан европаликларни қувишга уриниши муваффакиятсиз чикди, лекин қурукликдаги жангларда турклар галаба кетидан галабага эришишарди.

1540 йил 20 октябр куни султон Венецияни сулх тузиб Хайриддин томонидан эгалланган ҳудудларни, шунингдек Мореядаги Наполи ди Романо ва Мальвазияни топширишга кўндирди. Венеция шунингдек 30 000 дукат товуни тўлади. Ўрта ер денгизида ҳукмронлик Лепанто жангига (1571) турклар кўлига ўтди.

1541 йилда Австрияни туркларга қарши қурашгани кўллаб-қувватлаётган Карл V Шимолий Африкада туркларга зарба беришга ҳаракат қилди. 1541 йилнинг 19 октябрида 500 кемадан ва 24 минг кишилиқ кўшиндан ташкил топган армадаси ал-Жазоир шаҳрига рейд уюштирди. Турк ноиб Хасан оганинг кўл остида 10 мингдан ошмаган аскарлар бор эди. 25 октябр куни Карл V кўшини шаҳарни камал қилиш учун ҳаракат бошлади. Об-ҳаво бунга ҳалакит берди. Кечга яқин бўрон қўтарилди ва испанларнинг учдан бир кемаси соҳилдаги қояларга урилди. Бўрон пайтида испанлар артиллериясидан маҳрум бўлди. Порох увиб ярқисиз ҳолга қелди. Шундай бўса ҳам Карл V ва унинг лашқарбошиси герцог Альба Алжазоирга ҳужум қилишди. Ҳамма ҳужумлар катта талафотлар эвазига бартараф этилди. Уч кун ёккан жала кўшинни ёмон аҳволга солиб қўйди, озик-овқат бузилди. 150 кемасидан ва 12 минг аскардан жудо бўлган Карл V қайтишга буйруқ берди. Бу муваффакиятсизликдан сўнг, Карл V Алжазоирдаги Усманийлар давлати ҳукмронлиги ўрнатилишига рози бўлди.

1540-1547-йилларда султон кўшини Венгрияга қарши яна уруш олиб борди. 1541 йилда улар яна Будани олишди. 1543 йили эса, Эстерг қалъасини олишди. Будада яничарлар гарнизони жойлаштирилди, турклар томонидан эгалланган Венгриянинг бошқа жойларида ҳам турк маъмурияти иш бошлади. Бу сафар Буда учун бўлган қурашга 1547 йилда Эдирнада имзоланган шартнома нукта қўйди. Шартнома бўйича, венгр қироллиги 3 қисмга бўлинди – Гарбий ва Шимолий Венгрия Габсбурглар ҳукмронлиги остида қолди, Марказий Венгрия турк ноиб томонидан бошқариладиган бўлди. Шарқий ерлар жумладан Трансильвания султон вассаллигида қолди. Трансильвания учун бўлган қураш 1551-1562 ва 1566-1568 йиллардаги турк-австрия урушлари қилиб чиқишига сабаб бўлди. Бу уруш давомида турклар Темешвар (1552), Эгер (1553) ва Сигетвар (1566) ва бошқа қалъаларни кўлга киритишди. Эрлау қалъаси гарнизони туркларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. 38 кунлик камалдан сўнг турклар қалъани кўлга киритиш ниятидан воз кечишди. Бу урушлар Австрия ва Усманийлар давлатининг венгр ерларидаги чегараларига ўзгариш олиб қелмади.

Франция Европа жамоатчилиги босими остида Усманийлар давлати билан иттифокни узишга мажбур бўлди. Лекин турк флоти 1543 йили Ниццани олишда, 1553 йили Корсикани олишда французларга ёрдам берди.

Усманийлар давлати ва Москва давлати ўртасида вазият кескин эди. Бунга асосий сабаб Москва давлатининг Крим хонлиги билан уруш ҳолатида бўлгани эди. 1547-1548 йилларда Яман ва Хадрамавтнинг турли ерларида кўзголонлар бўлиб ўтди, лекин султон кўшинлари бу исёнларни бостирди. Султон гарбда тинчлик сулҳи тузгач эътиборини шаркка қаратди. Ширвон ноиб Тахмосп I нинг укаси Алқаснинг шохга қарши қурашгани султоннинг кейинги юришларида фойда келтирди. Сафавийлар давлатида тахт талашиш бошланди. Алқас шох кўшинидан енгилгач, Истамбулга бориб султон саройидан паноҳ топди ва Сулаймон I дан ёрдам сўради. Ҳарбий ҳаракатлар яна бошланди. 1548 йили султон кўшинлари Жанубий Озарбайжон ҳудудидан ўтиб, яна Табризни эгаллашди. (шох пойтахтни Қазвинга кўчирди). Эрондаги турк аскарлари Қум ва Қошонгача бориб, Исфохонни забт этишди. Ўша йили турклар бир неча қурилиш қамалдан сўнг Ван қалъасини эгаллаб, Жанубий Арманистондаги Ван қўли ҳавзасини истило қилишди. Турклар Шарқий Арманистон ва Жанубий Грузияга ҳам юриш қилишди. 1552 йили Ереванни, 1554 йили Нахичевонни олишди.

1555 йил май ойида Амасьеда сулҳ тузилди. Сулҳга қўра Ирок Усманийлар давлатига ўтди, бироқ Озарбайжон Эрон таркибида қолди. Грузия гарби (Имерети) в Арманистоннинг гарбий минтақаси султон ҳукмида, шарқий минтақалари Эрон ҳукмида қолди. Ўша даврдан бошлаб узок йиллар Арманистон ва Грузия Усманийлар давлати ва Эрон ўртасида талаш бўлиб, арман ва грузинларга қатта зарарлар келтирди.

1547-1554-йилларда турк флоти бир неча бор португал флотига талафот етказди. 1550 йили турклар Қатифни португаллардан тортиб олишди. 1552 йилда турк эскадраси 30 та кемада 16 минг аскар билан Сувайшдан Уммон сохилларига йўналди. 1552 йили икки ҳафталик ўққа тутишдан сўнг, турклар португалларнинг йирик қалъаси Маскатни эгаллашди. Лекин 1553 йили португаллар турк эскадрасини Ҳурмуз бўғозида, 1554 йилнинг августида Маскатда енгилди. Бу ҳудуддаги денгиз ҳукмронлиги Португалия қўлида қолди.

Кейинчалик Усманийлар давлати ва Испания ўртасидаги узок муддатли қураш тунислик зодагонларнинг турклардан ёки испанлардан паноҳ излаб ҳаракат қилишларига боғлиқ бўлиб қолди. Ўттиз йилга яқин испан ва турк кўшинлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди. Қачонки турклар томонидан мальта рицарларининг тор-мор этилиши ва Ливиядаги Триполини турклар эгаллаши (1551 йил, август), ҳамда Триполитаниянинг туркларга ўтиши сабабли Тунисда Усманийлар ҳукмронлигини ўрнатиш мумкин бўлди. 1553 йили Ваттосийлар сулоласини ағдариш учун Марокашга юриш қилишди, лекин режа амалга ошмади.

1555 йилда Сулаймон I қўшини Суданга юриш бошлади. 1556-1557 йилларда Суданда усманийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Кейин султон қўшини Африкадаги Кизил денгизи сохилларини истило қилди. 1557 йили Эфиопиянинг асосий бандаргоҳи Массаяуани забт этди. 1558-1559 йилларда турк қўшини бир неча бор Эфиопияга ҳужум қилиб, Шимолий Эритрея устидан тўлиқ назорат ўрнатди. Турк-эфиоп уруши 1572-1589 йилларда танаффуслар билан давом этиб, туркларга янги ҳудудлар келтирмади.

1565 йилда турклар мальта рицарлари жойлашган қалъани тўрт ой қамал қилишди, 20 минг турк аскарлари ҳалок бўлса-да, жанг туркларга галаба келтирмади. Мальталикларга испанлар эскадраси ёрдамга келганидан кейингина турклар Мальтадан кетишди.

А. Кодировнинг "Шаркнинг машхур сулолалари" китобидан